

Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 15 ноябрь, № 245 (8307)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



СУД СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
14 ноябрь куни одил судловни
таъминлаш борасидаги устувор
вазифалар муҳокамаси юзасидан
йиғилиш ўтказди.

Судлар фаолияти, аввало, инсон тақдирига, барча соҳалар тартиби ва тараққиётига дахлдор масалалар. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда судлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, ишларни кўришда ҳолислик, адолат ва қонунийликни таъминлаш чоралари кўрилмакда. Сўнгги олти йилда бу тизимга оид 50 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Шу даврда ноҳақ айбланган 4 минг кишига оқлов ҳукми чиқарилган, 26 мингдан зиёд шахс суд залидан озод қилинган, 47 минг фуқарога нисбатан терговда қўйилган моддалар айбловдан чиқарилган.

Суд тизимига ишонч ортгани иқтисодиёт ва тадбиркорлик ривожига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, олти йилда қорхоналар сони 2 бараварга ошиб, 530 мингга етган. Юртимиз иқтисодиётига 39 миллиард доллар хорижий инвестиция кириб келган. Бугунги кунда 15 мингдан ортиқ хорижий ва қўшма қорхоналар фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизнинг Тараққиёт стратегиясида суд жараёнида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишув тамойилларини рўйбга чиқариш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсади ҳам белгиланган. Шундан келиб чиқиб, муқаддас ва мутахассислар халқ билан мулоқот қилиб, соҳадаги муаммоларни ўрганган.

Йиғилишда ана шу муаммолар таҳлил қилиниб, соҳани ислоҳ қилиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ҳар йили ўртача 1 миллион 500 минг аҳоли судларга мурожаат қилади. Вилоят суд-

лари одил қарор чиқариш бўйича етарлича масъулият олмаётгани сабабли оворагарчиликлар кўп. Мисол учун, йил бошидан буюн 18 минг фуқаро вилоят судлари қабул қилган қарорлардан норози бўлиб, Олий судга келган.

Судларда ишларни кўриб чиқиш эскича давом этилди. Адвокатларнинг ўрни юқори эмас. Терговчилар ўз устида ишламай қўйган.

Судга аралашувларнинг олдини олиш учун судьяларнинг ваколат мuddати узайтирилди, маоши кескин оширилди. Уларни лавозимга тайинлаш Судьялар олий кенгашига ўтказилди. Лекин бу борада ҳалиям айрим бўшлиқлар бор.

Шу боис Президент судларда тортишув муҳитини шакллантириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари ишлари тақомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Вилоят судлари масъулиятини ошириш, жиноят ишлари айблов хулосаси ва ҳимоячи фикри билан бирга қабул қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Судьялар олий мактабини тубдан ислоҳ қилиш, туман ва вилоят судлари учун мол-мулк, оила, солиқ, меҳнат муносабатларига иқтисослашган судьялар тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди. Судьялар ҳамжамиятининг ваколатларини кучайтириш, судьялар сонини босқичма-босқич кўпайтириш таклифи маъқулланди.

Давлатимиз раҳбари соҳада рақамлаштиришни кенгайтириб, ахборот тизимларини уйғун қилиш, замонавий технологиялар орқали одамларга қўлайликларни ошириш бўйича топшириқлар берди.

Ў.А.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Бундан роппа-роса ўттиз йил муқаддам умумхалқ муҳокамасидан кейин Конституциямиз Ўзбекистонда барпо этилаётган янги жамиятнинг ҳуқуқий кафолатларини шакллантирувчи ҳамда мустақамлашчи муҳим ҳужжат сифатида қабул қилинди. Шу боис 1992 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган тарихий кун сифатида юрдошларимиз қалбидан чуқур жой эгаллаган саналардан биридир.

Фикр

Ўтган 30 йиллик давр мобайнида Бош қомусимиз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва ҳусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, Ўзбе-

кистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, миллий қонунчилик тизимини шакллантириш ҳамда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларига ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилди.



ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК!

Ўзбекистон касабга уюшмалари куни муносабати билан Президентимизнинг соҳа ходимлари ва аъзоларига байрам табригида келгуси фаолиятимизда дастуриламал бўладиган бир қатор эзгу ташаббуслар илгари сурилгани барчамизни беҳад мамнун этди.

Дил сўзи

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда касабга уюшмалари ҳаётида янги ривожланиш босқичи бошланди, десак, му-болага бўлмайди. Ҳозирги кунда касабга уюшмаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири тобора ортиб, таъкилотнинг одамларнинг оғирини енгил қилиш, эл-юрт хизматига

камарбаста бўлишдаги ўрни тобора юксалиб бораётгани қувонарлидир.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббус билан олиб борилаётган ҳаётбахш ислохотлар жараёнида касабга уюшмалари тизимида кенг қўламли сазй-ҳаракатлар амалга оширилди. Меҳ-



САМАРҚАНД САММИТИ НАТИЖАЛАРИ ТУРКИЙ ДУНЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРАДИ



Акс садо

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон раислигида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) биринчи саммитининг натижалари чет эл сиёсий, иқтисодий, ишбилармон ва экспорт-таҳлил доиралари диққат марказида бўлиб турибди.

Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг саммитдаги нутқи матни хорижий тилларга таржима қилиниб, “OIC Today” (Малайзия) иқтисослаштирилган жур-

нали, “Хитой” таҳлилий журнали, “The Korea Post” етакчи нашри (Жанубий Корея), “LETA” расмий ахборот агентлиги (Латвия) ва бошқа нуфузли оммавий ахборот воситаларида чоп этилди.

Хорижий мамлакатлар вакиллари ТДТнинг Самарқанддаги саммити натижалари, жумладан, кўплаб йўналишларда шерикликни кенгайтириш учун жаҳон геосиёсати ва геоиқтисодиётидаги муҳим воқеа бўлгани

ҳамда туркий давлатлар ҳамкорлиги тарихида янги саҳифани очганини қайд этмоқда. Уларнинг фикр билдиришича, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Самарқанддаги учрашуви Тошкентнинг фаол дипломатиясини намойиш қилдики, бу сўнгги йилларда мутлақо янги ўсувчанлик касб этгани ҳолда, ўз жозибадорлиги ва самарадорлигини амалда тасдиқлади.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛАДИГАН МАЙДОНГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА

Бугун Ўзбекистон халқаро даражада муҳим эзгу ташаббуслар илгари суриладиган майдонга айланиб бормоқда. Бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Самарқанд саммити ҳам бу борада самарали ва амалий натижаларга бой бўлди.

Асосий мақсади мамлакатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўлган ушбу ташкилотга аъзо ҳамда ку-

затувчи мақомидаги давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари барча учун бирдек манфаат келтирадиган масалаларни кўриб чиқдилар.

Ўзбекистоннинг ташкилотдаги ўрнига тўхталадиган бўлсак, юртимиз 2018 йил 30 апрелда унга аъзо бўлиш истагини билдирди ва 2019 йил 14 сентябрда ушбу ташкилотнинг тўлақонли аъзосига айланди.



МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Замонавий воқелик шароитида давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик янада прагматик ва динамик тусга кириб бормоқда. Универсал мезонга эга халқаро ташкилотлар ўзини тобора кўпроқ минтақавий ташкилотлар эгалламоқда.

Шу боис сўнгги вақтларда кўплаб мамлакатлар минтақавий ташкилотлар доирасидаги ришталарни афзал кўрмоқда. Аксарият минтақавий ташкилотлар миллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда дав-

латлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг энг самарали платформасини яратмоқда.

Ана шундай минтақавий ташкилотлардан бири — Туркий давлатлар ташкилотидир. Бугунги кунда ТДТ бешта

мамлакат — Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркия, Ўзбекистонни бирлашти- ради. Туркменистон ва Венгрия кузатувчи мақомига эга. Ушбу мамлакатларда тахминан 173 миллион киши истиқомат қилади ва бу — дунё аҳолисининг 2 фоиздан кўпроқи, демакдир.



Сенат ялпи мажлиси олдида

МАСАЛАЛАР ИСЛОҲОТЛАРДА ТУТГАН ЎРНИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ



Кеча Олий Мажлис Сенатининг қатор қўмиталари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисидан ўрин олган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Муҳими, масалалар ислохотларнинг ҳозирги босқичида тутган ўрни ва шу жараёндаги аҳамияти нуктаи назаридан чуқур таҳлилдан ўтказилди.

Инсон капиталини ривожлантириш борасида муайян ишлар бажарилган

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида сенаторлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, қўмита экспертлар кенгаши аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг та-

раққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури- нинг жорий йил 9 ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи дастлабки тарзда кўрилди.

Қайд этилганидек, дастурнинг адолат-



Тиббиёт ходимларида чуқур таассурот қолдирди.

Байрам тантанаси реконструкция қилинган Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоти мусқили драма театрида бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига йўллаган байрам табригини Президент маслаҳатчиси Одил Абдурахмонов ўқиб эшиттирди.



МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Ноябрь ойининг иккинчи яшанбаси юртимизда Тиббиёт ходимлари куни сифатида кенг нишонланди. Байрамнинг асосий тантаналари ўтган йиллардагидан ўзгача тарзда Самарқанд шаҳрида ташкил этилди.

Шукух

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг барча вилоятидан келган бир гуруҳ фидойи, кўп йиллик тажрибага эга ва истеъдодли ёш тиббиёт ходимлари, соҳа фахрийлари дастлаб Самарқанд шаҳридаги муқаддас қадам- жо ва тарихий обидаларни зиёрат қилди. Қадимий кентда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан ақиндан танишди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган ва аллақачон халқаро мулоқотлар майдонига айланиб улгурган “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм мажмуаси

тиббиёт ходимларида чуқур таассурот қолдирди.

Байрам тантанаси реконструкция қилинган Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоти мусқили драма театрида бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига йўллаган байрам табригини Президент маслаҳатчиси Одил Абдурахмонов ўқиб эшиттирди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда депутатлар томонидан “Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек — қирғиз Давлат чегарасининг алоҳида устаклари тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Хукумати билан Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Андижон (Кампиробод) сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисидаги Битимни (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун лойиҳалари афрофлича муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳалари дастлаб сиёсий партияларнинг парламентдаги барча фракциялари йиғилишларида афрофлича муҳокамалардан ўтган.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А. Арипов бошчилигида ҳукумат аъзолари иштирок этиб, қонун лойиҳалари юзасидан ахборот бердилар. Фракциялар аъзолари ўзларини қизиқтирган барча саволларга тегишли ҳукумат аъзолари-

дан аниқ жавоблар олишди. Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида самарали халқаро ҳамкорлик ўрнатишга, бунда энг аввало, миллий манфаатларимиз, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Мазкур жараёнда очик ва амалий, фаол ташки сиёсат олиб борилаётгани туфайли Ўзбекистон халқаро мукёсда ишонли ҳамкор сифатида тан олинмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси ва доимий қўллаб-қувватлаши туфайли қисқа вақт ичида мамлакатимиз ва қўшни давлатлар чегара чизиқларининг энг мураккаб ҳудудлари бўйича ўзаро мақбул ечимлар топишга эришилмоқда.

Сўнгги йилларда яқин қўшниларимиз билан юқори даражада самимий мулоқотлар ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, минтақа давлатлари билан қўшничилик, қардошлик алоқаларини янада ривожлантириш ва мустақамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НУТҚИ ХОРИЖИЙ ОАВ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг биринчи саммити якунлари ва унда қабул қилинган ҳужжатлар хорижий мамлакатларнинг эксперт-таҳлил доиралари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Хусусан, бир қатор етакчи хорижий босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мазкур халқаро форумдаги нутқи таржимаси эълон қилинди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари нутқи матни Малайзиянинг «OIC Today», Хитойнинг «Китай», Жанубий Кореянинг «The Korea Post» матбаа нашрлари, Индонезиянинг «Jakarta Globe» ахборот агентлиги, Швейцариянинг «International Diplomat» ва «Diva International» электрон журналларида, шунингдек, Қозоғистоннинг «Iteг.kz» интернет портали ва бошқа нуфузли хорижий нашрлар саҳифаларида босилди.

Саммит ва унинг доирасида бўлиб ўтган воқеалар халқаро матбуотнинг диққат марказида бўлди. Саммитга бағишланган таҳлилий мақолалар етакчи таҳлил марказларининг веб-сайтларида, янгиликлар ва иқтисослаштирилган нашрлар саҳифаларидан ҳам жой олди.

Албатта, биринчи навбатда, саммитнинг бориши ТДТда иштирок этувчи мамлакатлар ОАВ томонидан диққат билан кузатилгани ҳолда кенг ёритилди. Улар орасида Озарбайжоннинг «Каспий», «Минвал», «Region Plus» ахборот порталлари, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг етакчи ахборот агентликлари — «Казин-форм» ҳамда «Кабар», шунингдек, Анкара Инкироз ва сиёсий тадқиқотлар маркази «ANKASAM» сайти ва бошқалар бор.

Саммит арасидаги ва анжуман давомида Хитойнинг «Синьхуа» етакчи ахборот агентлиги, Европанинг «EU Reporter» ахборот-таҳлил наشري, Италиянинг «Asknews» наشري, Покистоннинг «Pakistan in the World» журнали, Испаниянинг «El Mundo Financiero» электрон наشري, «Leta» Латвия ахборот агентлиги, Мисрининг «Sada al Balad» газетаси, Россиянинг «Большая Азия» портали, Буюк Британиянинг «London Post» онлайн наشري, Ҳиндистоннинг «Diplomatist», «Sarkarite» ва «Diplomacy India» интернет нашрларида ТДТ доирасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари бағишланган туркум мақола ва хабарлар эълон қилинди.

Мутахассисларнинг қўллаб-қувватлашлари, шунингдек, халқаро ОАВда чоп этилган материаллар саммитининг аҳамияти ҳамда ТДТнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

МАМЛАКАТИМИЗ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛАДИГАН МАЙДОНГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистоннинг аъзолигини барча иштирокчи мамлакатлар илиқ қарши олди. Расмий доиралар, мустақил экспертлар юртимизнинг туркийлар тарихидаги ўрни, бугунги салоҳияти ва аҳамиятини алоҳида эътироф этди.

Қолаверса, саммитда Самарқанд шаҳрини «Туркий цивилизация поштахи» деб эълон қилиш ташаббуси тўлақонли қўллаб-қувватланганилиги ҳам мамлакатимизнинг туркий халқлар орасида нақадар тарихий аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор исботлайди.

Ўзбекистон раислигида ўтказилган саммит доирасида давлатимиз раҳбари томонидан «Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари» шиорини қайд этган ҳолда, бир қатор муҳим ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди. «Туркий дунё нигоҳи — 2040» концепцияси, Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегиясини самарали амалга ошириш юзасидан мазкур стратегик йўналишда вазиятни тубдан ўзгартириш, савдо, инвестиция ва хизматлар эркин ҳаракатини таъминлаш мақсадида ташкилот доирасида «янги иқтисодий имкониятлар ҳудудини»ни барпо этиш ташаббуслари ана шулар жум-

САМАРҚАНД САММИТИ НАТИЖАЛАРИ ТУРКИЙ ДУНЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРАДИ



Намик АЛИЕВ, Давлат бошқаруви академиясининг Халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат кафедраси раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор, элчи (Озарбайжон):



— Туркий давлатлар ташкилоти саммити жаҳон цивилизацияси марказларидан бири, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Самарқандда ўтказилгани муҳим рамзий маънога эга. Учрашув мавзуси «Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари» шиори остида ўтгани ҳам бежиз эмас.

Тинчлик ва дўстлик рамзи, илм-фан ва таълим маркази бўлган Самарқанд шаҳрини «Туркий цивилизация поштахи», деб эълон қилиш ташаббуси ташкилотга аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватлангани жуда қувонарли ҳолдир.

Ташкилотга раисликни қабул қилгани ҳолда, Ўзбекистон иккита муҳим ҳужжати — «Туркий дунё нигоҳи — 2040» концепциясини, шунингдек, қабул қилинган Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегиясини самарали амалга ошириши, 170 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган улкан минтақани ўз ичига олган ташкилотнинг нуфузини янада мустаҳкамлаш ва энг асосийси, тарихи, тили ва маданияти муштарақ бўлган қардош халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқишига шубҳа йўқ.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўта мазмундор нутқиға алоҳида эътибор қаратишни истар эдим. Ўзбекистон раҳбари бугунги мураккаб вазиятга баҳо бера экан, геосиёсий қарама-қаршиликлар кучайиб бораётгани, инсоният глобал иқтисодий инкироз ва иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари билан боғлиқ мураккаб муаммоларга дуч келаётганини алоҳида таъкидлади. Шу сабабли ҳозирги таҳликали вазиятда энг долзарб муаммолар ечими бўйича давлатларимиз умумий ёндашувларни белгилаб олиши, савий-ҳаракатларни йиғулаштириши нийоятда муҳим аҳамиятга эга. Биз ҳар қандай қийинчиликларни дўстлик, ҳамкорлик ва бир-биримизни қўллаб-қувватлаш орқали енгиб ўтишга қодирмиз, деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Умуман олганда, Ўзбекистон етакчилисининг нутқи қизиқарли ва муҳим ташаббусларга бойлиги билан ажралиб турдики, бу саммитга ишчанлик шуҳуқини бағишлагани баробарида, тadbир кун тартибини янада бойитди.

Дарҳақиқат, бизлар кўп ишларни амалга оширишимиз лозим. Бу қардошлик муносабатлари даражасига тўғри келмайдиган савдо ҳажмларига ҳам тааллуқли. Ўзбекистоннинг стратегик йўналишда вазиятни тубдан ўзгартириш, савдо, инвестиция ва

хизматларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш учун ТДТ доирасида «янги иқтисодий имкониятлар ҳудуди»ни вужудга келтириш, бу режага эришиш учун ташкилотга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар ҳамда дунёнинг етакчи бизнес вакилларини кенг жалб этган ҳолда ҳар йили Халқаро туркий иқтисодий форумни ўтказиш таклифи ўзо вақтида сурилди. Бу — транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, Транскасий халқаро йўналишдан самарали фойдаланиш, демакдир. Шу боис Туркия ва Ўзбекистон ўртасида яқинда жорий этилган автотранспорт электрон рухсатномалари алмаштиш тизимиға ТДТ давлатларининг ҳам қўшилиши долзарб аҳамият касб этади.

Менимча, яна бир муҳим мавзу — бу озиқ-овқат хавфсизлигидир. Жорий йил Тошкентда бўлиб ўтган биринчи Туркий агрофорум мамлакатларимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги улкан салоҳиятини аққол кўрсатди. Хақиқатан ҳам бу салоҳият нафақат ўз мамлакатларимизни, балки ташқи бозорларни ҳам қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти борлигини тасдиқлайди.

Хавфсизлик масаласи ҳам ўта долзарб аҳамиятга эга. Терроризм, экстремизм, ёшларнинг радикаллашуви, одам савдоси, наркотрафика қарши курашиш, жамоат ва киберхавфсизлик соҳаларида ҳуқуқни муҳофаз қилиш органлари ва махсус хизматлар доимий алоқада бўлиб, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш лозим. Шуниси қувонарлики, Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлиги 1997 йили имзоланган икки томонлама битим билан тартибга солинмоқда. Бу борада катта таҳриба тўпланган, уни чуқур ўрганиш ва янги шaroитларга тadbик этиш зарур.

Умуман олганда, саммит мамлакатларимиз олдиға бошқа қардош туркий давлатлар билан шерикликни ривожлантиришда катта муваффақиятни таъминлаш бўйича аниқ вазифаларни қўйди. Бу янги туркий дунёни барпо этишда муҳим босқич бўлди.

Нежеф САЛУ, «Deutsche Bank»нинг вендор менежменти раҳбари (Германия):



— ТДТ халқаро ташкилот ўлароқ, туркий халқлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида қатор давлатларни ўз атрофиға бирлаштирган. Қўўна Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган саммитда ташкилот аъзолари — Озарбайжон, Туркия, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон делегациялари, шунингдек, Туркменистон ва Венгрия етакчилари кузатувчи сифатида иштирок этди.

Бу давлатлар улкан салоҳият ва буюк тарихға эга. Туркий давлатлар аҳолиси қарийб 170 миллион кишини ташкил этади, умумий майдони 4,5 миллион

квадрат километрдан ошади, уларнинг умумий ялпи ички маҳсулоти қарийб 1,5 триллион АҚШ доллариға тенг бўлиб, жаҳон иқтисодиётида 13-ўринни эгаллайди.

Ушбу халқаро тadbирнинг мақсади қардош мамлакатлар ўртасидаги ишонч ва алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо, иқтисодиёт, транспорт, энергетика, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашға қаратилган савий-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон ушбу ташкилотға қўшилгандан сўнғ аҳоли сони бўйича Туркиядан кейинги иккинчи давлат бўлгани ҳолда ТДТға аъзо давлатларининг келгуси ҳамкорлигиға янги туртки берди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ТДТ доирасида кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришға қаратилган 35 дан ортиқ аниқ ташаббусларни илгари суурди. Бугунги кунға қадар уларнинг 20 дан ортиғи, жумладан, ёшлар илмий-тадқиқот фондларини ривожлантириш бўйича ташаббуслар, Буюк Ипак йўли йўналишларини бирлаштирган сайёҳлик лойиҳалари, жумладан, Туркия ва Ўзбекистон ҳудудларида ривожланаётган зиёрат туризми соҳасидаги лойиҳалар амалға оширилди.

Мухтасар айтганда, экспертлар туркий давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, шунингдек, минтақа ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашға ҳисса қўшадиган Самарқанд саммитини юқори баҳоламақда.

Сабаҳ АСЛАМ, Исломобод можароларни ҳал қилиш институти (Покистон) ижрочи директори:



— ТДТ саммити Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий ўзаро боғлиқликни ривожлантириш бўйича муҳим ташаббуслари қаторида алоҳида аҳамиятға эга бўлди.

Тошкент томонидан Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавзусиға бағишлаб ўтказилган халқаро конференция (2021 йил июль), Афғонистон бўйича конференция (2022 йил июль), ШХТ Самарқанд саммити (2022 йил сентябрь) мамлакат раҳбариятининг пухта ўйланган ва иччил ташқи сиёсати ҳамда Тараққиёт стратегиясининг бир-бири билан мантиқан боғланган қисмларидир.

Ушбу форумларнинг юқори формати, кун тартиби ва концепцияси минтақавий интеграция тенденциясини кучайтириш ва COVID-2019дан кейинги даврдаги иқтисодий ўсиш омилларини кучайтиришға қаратилган.

2022 — 2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида транспорт ва логистика хизматлари ҳажмини ошириш учун транс-

порт тизимида «рақамли коридорлар» ва транзит имкониятларини кенгайтириш қўзда тутилган. Шу маънода, ТДТ давлатлари ва бошқа минтақалар мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш алоҳида аҳамиятға эга.

Ўзбекистон томонидан қўриллаётган чора-тadbirlар барча йўналишдаги қулай транспорт йўлакларини яратишға қаратилган бўлиб, расмий Тошкент Термиз — Пешовар (Жанубий Осиёға чиқиш) ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон (Хитой ва Осиё — Тинч океани мамлакатлариға товар оқимини кўпайтириш) темир йўлларини қуриш бўйича муҳим лойиҳаларни фаол амалға оширмоқда.

Ўзбекистон Президентининг интеграциявий ташаббуслари Транскаспий йўналиши имкониятларини мустаҳкамлайди ва Осиё — Тинч океани минтақаси — Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркменистон — Озарбайжон — Грузия — Европа янги мул்தимодаль транспорт коридорини яратишға хизмат қилади. Бу савий-ҳаракатлар Марказий Осиёни глобал марказ ва қуруқликдаги кўприкка айлантиради, шунингдек, халқаро юк транзити ва минтақа давлатларининг глобал таъминот занжирлариға чуқурроқ интеграциялашувини таъминлайди.

Шу нуктаи назардан, ТДТнинг Самарқанд саммити транспорт-логистика, савдо-иқтисодий, иқтимоий-маданий интеграциянинг кенг қўламли йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш учун жаҳон геосиёсати ва геоиқтисодиётдаги муҳим воқеа бўлди.

Пьер ТОМАНН, Европа Халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори (Бельгия):



— Ўзбекистоннинг ТДТ ташкил этилишидаги фаол иштироки турли давлатлар, иттифоқлар ва сиёсат ҳамда хавфсизлик институтилари ўртасидаги мувозанатни сақлаш мақсадида шаклланаётган кўп қутбли дунё мослашувига мувофиқ келади.

Турли ташкилотларда иштирок этиш барқарорлик даражасининг юксалишиға олиб келмоғи лозим. Ўзбекистон ва унинг Марказий Осиёдаги ҳамкорлари Евроосиё ҳудудида манфаатлар мувозанати билан «хавфсизликнинг бўлинмаслиқ» тамойили асосида барқарорликка эришиш нуктаи назаридан халқаро шерикликни ривожлантиришдан манфаатдордир.

Умуман, Марказий Осиёдаги ҳамкорликнинг янги жараёни Евроосиё архитектурасини яратишға ҳисса қўшмоғи лозим.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон барқарорликка ва қудратли давлатлар ўртасидаги рақобатни каймайтиришға ҳисса қўшаётганини исботлашға тайёрдир.

«Дунё» АА.



Асарлар мажмуаси «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 200 минг нусхада чоп этилди.

«Халқ сўзи».

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ



ТДТнинг ўзига хослиғи шериклик учун кўп қиррали йўналишлари мавжудлигидир. Хусусан, Нахичеван битимининг 2-моддасиға биноан, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқ ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш, маданий, илмий-техник, ҳарбий-техник, таълим, энергетика, транспорт, кредит соҳаларида самарали минтақавий ва икки томонлама алоқаларни ривожлантириш масалалари ташкилотнинг муҳим мақсад ва вазифаларини сирасидан. Ўз навбатида, ТДТ доирасидаги ҳамкорлик савдо ва инвестиция учун қулай шарт-шaroитлар яратиш, божхона ва транзит тартибини янада соддалаштириш, шунингдек, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, спорт ва туризм соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, туркий халқларнинг буюк маданий ва тарихий меросини оммашлантиришға қаратилган.

Ушбу мақсадларға эришиш учун ТДТ қошида 6 та тузилма — Халқаро туркий маданият ташкилоти, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси, Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси, Туркий савдо-саноат палатаси, ТДТнинг Венгриядаги ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундай ташкилоти тузилма ТДТ олдига қўйилган вазифаларни самарали амалға оширишға қаратилган.

Ушбу мақсадларға эришиш учун ТДТ қошида 6 та тузилма — Халқаро туркий маданият ташкилоти, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси, Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси, Туркий савдо-саноат палатаси, ТДТнинг Венгриядаги ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундай ташкилоти тузилма ТДТ олдига қўйилган вазифаларни самарали амалға оширишға қаратилган.

Ушбу мақсадларға эришиш учун ТДТ қошида 6 та тузилма — Халқаро туркий маданият ташкилоти, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси, Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси, Туркий савдо-саноат палатаси, ТДТнинг Венгриядаги ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундай ташкилоти тузилма ТДТ олдига қўйилган вазифаларни самарали амалға оширишға қаратилган.

Ушбу мақсадларға эришиш учун ТДТ қошида 6 та тузилма — Халқаро туркий маданият ташкилоти, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси, Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси, Туркий савдо-саноат палатаси, ТДТнинг Венгриядаги ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундай ташкилоти тузилма ТДТ олдига қўйилган вазифаларни самарали амалға оширишға қаратилган.

Ушбу мақсадларға эришиш учун ТДТ қошида 6 та тузилма — Халқаро туркий маданият ташкилоти, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси, Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси, Туркий савдо-саноат палатаси, ТДТнинг Венгриядаги ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундай ташкилоти тузилма ТДТ олдига қўйилган вазифаларни самарали амалға оширишға қаратилган.

Ушбу мақсадларға эришиш учун ТДТ қошида 6 та тузилма — Халқаро туркий маданият ташкилоти, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси, Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси, Туркий савдо-саноат палатаси, ТДТнинг Венгриядаги ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундай ташкилоти тузилма ТДТ олдига қўйилган вазифаларни самарали амалға оширишға қаратилган.

Ушбу мақсадларға эришиш учун ТДТ қошида 6 та тузилма — Халқаро туркий маданият ташкилоти, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси, Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси, Туркий савдо-саноат палатаси, ТДТнинг Венгриядаги ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундай ташкилоти тузилма ТДТ олдига қўйилган вазифаларни самарали амалға оширишға қаратилган.

муваффақ бўлди, кейинги босқичда эса Қозоғистон билан ушбу лойиҳани амалға ошириш бўйича қилишув мавжуд.

Бундан ташқари, ТДТ мамлакатларида БМТнинг Европа бўйича иқтисодий комиссияси билан бирликлда «eСMR» воситасини жорий этиш юзасидан ишлар олиб боришмоқда. Мазкур йўналишда инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш муҳим аҳамиятға эга. Хусусан, ўзаро манфаатли инвестиция фаолиятини амалға ошириш ташкилотга аъзо мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон манфаатлари учун ҳам мос.

Тарихан ТДТ иштироки мамлакатлар халқларининг илдизлари бир. Шу боис маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш ТДТ мамлакатлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги ҳамкорлик, академик алмашинув, қўша маданий тadbirlар шулар жумласидан.

Мухтасар айтганда, ТДТ — истиқболли минтақавий ташкилотдир. Шу боис барча аъзо мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун ТДТ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳар томонлама ривожланиш ва барқарорликни таъминлашға хизмат қилади.

Дилором ИМОВОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МАСАЛАЛАР ИСЛОҲОТЛАРДА ТУТГАН ЎРНИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ



Шу билан бирға, сенаторлар томонидан Давлат дастурида ижро мuddати узайтирилган ёки йил давомида бажариладиган бандлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар вакилларига аниқ тавсиялар берилди.

Гендерға оид аудит билан боғлиқ нормалар киритилмоқда

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонунға алоҳида эътибор қаратилди.

Негаки, қонунда гендерға оид аудит,

уни ўтказишнинг асосий вазифалари, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида гендерға оид аудитни ўтказиш каби муҳим нормалар ўз ифода-сини толган бўлиб, бу ҳозирги пайтда долзарб аҳамиятға эга.

Гендерға оид аудитни ўтказишнинг асосий вазифалари сифатида давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятини гендерға доир комплекс ёндашув асосида ташкил этганлиғи ҳолатини ўрганиши, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги қонунчиликнинг ижросини баҳолашдан иборатдир.

Гендерға оид аудит оид йиллик режаға асосан, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун давлат органлари ва ташкилотларида юқоридан пастға қадар аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаб беришға хизмат қилади.

Айниқса, оилик иш ҳақини белгилаш, лавозимларға тавсия қилишда аёллар ва эркакларға тенг қараш, ҳар бир давлат қорхона-ташкилотида тайёрланадиган захира кадрлар базасиға хотин-қизларнинг номзодларини киритиш, уларни хизмат вазифасида раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш каби масалаларни тизимли таҳлил этиш имкониятини беради.

Сенаторларнинг айтишича, қонунға гендерға оид аудит нормасининг киритилиши иш берувчиларнинг аёллар ҳамда эркакларға тенг имкониятлар ва шaroитлар яратиш борасидаги масъулиятини оширади ва бундан нафақат хотин-қизлар, балки бутун жамият манфаат кўради.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШДИ

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ўтказилмоқда. Ушбу форматда олиб борилаётган мулоқот минтақа давлатлари ўртасидаги стратегик шериклик, дўстлик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, мамлакатларимизни боғлаб турган муҳим транспорт йўлаклари қайта тикланди, янги автомобил ва ҳаво йўллари очилди, чегараларимиздаги ўтказиш пунктлари фаолияти қайта йўлга қўйилди. Бу, албатта, кўп асрлик тарихи, маданияти ва маънавий қадриятлари бир-бирига чамбарчас боғланган минтақа халқларининг абадий дўстлиги ва ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Мақлисида қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Қирғизистон билан ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ва доимий мустаҳ-

камлаб бориш устуворлик касб этади. Шу маънода, икки мамлакат Президентларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли сўнгги йилларда кўп қиррали ўзбек-қирғиз муносабатлари янги даражага кўтарилди. Давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги суъний тўсиқлар бартараф этилди, чинакам бординкелди алоқалари тикланди. Икки томонлама ҳамкорлиқнинг табиати ва мазмунини тубдан ўзгарди, ўзаро ишонч мустаҳкамланди.

Мазкур жараёнда кўплаб долзарб масалаларнинг ечим топиши натижа-сида кейинги пайтда савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик жадал ривожлан-моқда. Маданий-маърифий тадбирлар-нинг мунтазам равишда ўтказиб кели-наётгани мамлакатларимиз ўртасида-ги ўзаро англашув муҳитини мустаҳ-камлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Икки давлат парламентлари ўрта-сида доимий равишда ўзаро тажриба алмашинувлари ва учрашувлар ташкил

этиб келинмоқда. Ушбу парламентла-раро мулоқот давомида кўп қиррали ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, ху-сусан, миллий қонунчилиқни яқинлаш-тириш, мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, молиявий, маданий-маъ-рифий соҳалардаги алоқаларни кенгай-тиришда халқ вакилларининг ўрни ва ролини ошириш масалалари муҳома-қилинмоқда.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳа-лари билан ўзбек-қирғиз давлат чегара-сининг 35 та участкасини ўз ичига ол-ган умумий узунлиги 302,2 километр-дан иборат чегара чизигини делимита-ция қилиш ишларини якунига етказиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республи-каси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегара-сининг алоҳида участкалари тўғриси-даги Шартнома”ни ратификация қилиш белгиланмоқда.

Депутатлар таъкидлаганидек, ушбу

ҳўжатларнинг қабул қилиниши Ўзбеки-стон билан Қирғизистон давлатлари ўрта-сидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ало-қаларини янада ривожлантиришга, ўзбек-қирғиз давлат чегарасини белгилаш бо-расидаги масалалар тўлиқ ўз ечимини топишга хизмат қилади. Шунингдек, мам-лакатларимизнинг савдо, сарможавий, са-ноат кооперацияси, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қурилиш, эколо-гия, туризм, маданий-гуманитар соҳа-ларда мавжуд улкан салоҳиятдан фойдала-ниш имконини беради.

Бундан ташқари, чегара савдо-са-ноат зоналарини ташкил этиш, кичик ва ўрта бизнесни жонлантириш, худуд-лараро ўзаро боғлиқлиқни ривожлан-тириш ва иқтисодий ҳамкорлиқнинг бо-шқа янги йўналишларини шаклланти-риш учун катта имкониятлар очилди. Қизгин муҳомадалардан сўнг қонун лойиҳалари депутатлар томонидан қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Конференция

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ДУНЁГА НАМУНА БЎЛМОҚДА

Мамлакатимиз БМТнинг таълим, фан ва маданият маса-ларлари бўйича ташкилоти — ЮНЕСКО шафелигида ўтказила-ётган яна бир нуфузли тадбирга меъзолиқ қилмоқда.

Пойтахтимизда Кичик ёшда-ги болаларга таълим ва тар-бия бериш бўйича II Бутунжа-хон конференцияси (WCESCE) ҳештеги остида халқроқ фото-курғазмаси очилди. Унда юрти-миш ҳамда чет эллик маҳоратли фоторафларнинг дунё бола-ларининг беғубор олами ва ҳаёти асқ эттирилган юзга яқин ноёб асарлари намойиш этилмоқда.

Тадбир доирасида “Нито Arena” муз саройида “Биз бо-ларамиз” (#wearethechildren) ҳештеги остида халқроқ фото-курғазмаси очилди. Унда юрти-миш ҳамда чет эллик маҳоратли фоторафларнинг дунё бола-ларининг беғубор олами ва ҳаёти асқ эттирилган юзга яқин ноёб асарлари намойиш этилмоқда.

Конференция очилишида инсон капиталига йўналтирил-ган инвестиция энг истиқбол-ли сармоя экани таъкидланди. Бироқ жаҳоннинг айрим мин-тақаларида глобал пандемия, аτροφ-муҳит муаммолари, тинч-лик-тотувлиққа қаратилган турли таҳдидлар шароитида бутун болаларни оқилдан ҳимоя қилиш, таълимга қам-раб олиш қўрсаткичлари мут-таб пасайиб бормоқда.

Тараққиётнинг янги йўлидан бораётган Ўзбекистонда эса навқирон авлодга эътибор дав-лат сиёсати даражасига кўта-рилган. Ўғил-қизларнинг яхши шариоатларда ўсиб-ўлғайиши, таълим олишига улкан куч ва маблағлар йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, фарзандари-миш тарбиясида энг асосий бўгин ҳисобланган мактабга-ча таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмай-ди. Ушбу тамойилдан келиб чи-қиб, алоҳида дастурлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон тарихида илк бор Мактабга-ча таълим ва-зирлиги ташкил этилди.

Янги Ўзбекистоннинг тарақ-қиёт стратегиясида мактабга-ча таълимдаги қамров дара-жасини камида 80 фоизга ет-казиш, тизимлида таълим си-фатини янги босқичга олиб чи-қиш кўзда тутилган. Ана шу

лат сиёсатининг асосий усту-вор йўналишларидандир. Жум-ладан, 2017 йилдан буюн бо-ларани мактабга-ча таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга ошди. Айни пайтда 2 миллиондан ор-тиқ мактабга-ча ёшдаги бо-лалар боғчаларга бориш им-кониятига эга. Мамлакат раҳ-бариятининг қучли сиёсий иро-даси ва ҳукуматнинг саёй-ҳаракатларисиз бу тараққиёт-га эришиб бўлмас эди.

Кичик ёшдаги болаларга таълим ва тарбия бериш бўй-ича II Бутунжахон конференция-си жорий йилнинг сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган Таълимни ўзгартириш бўйича саммитнинг мантйиги давоми-дир. Биз аъзо давлатлар ва халқроқ ҳамжамиятини мажбу-рийлатимизни янгилаш ва кенгайтириш, шунингдек, ҳар бир боланинг эрта балиқлик даврида сифатли таълим-тар-бия олиш ҳуқуқини яна бир бор тасдиқлаш учун бу ерга йи-дик. Ишончимиз комилки, кон-ференция голари кичик ёшда-ги болаларнинг таълим-тар-бияси тараққиётига йўналтирил-ган Барқарор ривожланиш мақ-садларига эришиш йўлида бар-ча форум иштирокчиларининг бирлашуви ва ҳамхизматлигига хизмат қилади.

Конференцияимиз якунлари бўйича қабул қилинадиган Тошкент декларацияси эрта ривожланиш стратегиясида янги саҳифа очади ва келгуси ўн йилликда мактабга-ча таъ-лим соҳасидаги халқроқ кун тартибининг белгиласи беради.

Тадбир доирасида иштирок-чилар Тошкентдаги Пўноч уни-верситетида мамлакатимизда кенг қўлчан ёзган “Яшил макон” умумимиллий дастуридан келиб чиқиб, дархалар экишти.

Конференция дастури тур-ли долзарб мавзулардан ибор-ат бўлиб, юқори даражадаги ялпи мажлислар, параллель сессиялар ва турли қўшимча тадбирлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, соҳага доир товар-лар, хизматлар ва инновацияон махсусотларнинг халқроқ курғазмаси, матбуот анжуман-лари ва маданий тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Дилшод ҚАРИМОВ (“Халқ сўзи”).

МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИГА ЭҲТИРОМ



Давлатимиз раҳ-бари Фармонига кўра, мамлакатимиз-да тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли са-ломатлигини ишончли муҳофа-за қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкам-лаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, соғлиқни сақлаш тизимини халқроқ стандартлар асосида ривож-лантириш, замонавий даво-лаш усулларини амалиётга кенг татбиқ этиш, соҳага доир дастурлар ижросини муваффа-қиятли амалга оширишга

қўшган муносиб ҳиссаси, юқори салоҳиятга эга мута-хассисларни тайёрлаш йўли-даги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иш-тироки учун бир гуруҳ фидойи-лар ордан ва медаллар бил-лан тақдирланди.

Маросимда ушбу юксак ордан ва медаллар ўз эгала-рига тантанали равишда топ-ширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, хусусан, давлат мукофоти би-лан тақдирланган тиббиёт хо-димлари билдирилган ишонч ва кўрсатилган эътибор учун

хурсандлигини изхор этиб, бун-дан кейин ҳам соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини янада юк-салтиришга сидқидилдан ҳисса қўшишларини таъкидлади.

Бадийй кечада таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочи-ларнинг концерт дастури ҳамда “Фидойилар” номли те-атрлаштирилган саҳна кўри-ниши йиғилганларга янада хушнудлик бахш этди.

Давлат мукофоти соҳибла-ридан чексиз қувонч ва ҳаяжонга тўла дил сўзларини ёзиб олдик.

Шерали НОРҚЎЗИЕВ, Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг ангиохирургия ва трансплантация бўлими мудирини, II даражали “Саломатлик” ордени соҳибини:

— Янгиланаётган Ўзбекистонда барча соҳа қатори тиббиёт тизимида ҳам кенг қўламли ўзга-ришлар рўй бермоқда. “Инсон қадри учун” та-моийли асосида олиб борилаётган ишлар соҳа тараққиётини янги даражага олиб чиқиш, халқни рози қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Президентимиз ташаббуси билан таъбир ҳоиз бўлса, соҳанинг энг чуқур томirlарига ҳам янги қон кириб борди. Тиббиётимиз учун мутлақо янги йўналишлар ривожлантирилди. Жумладан, аъзолар трансплантациясига руҳ-сат берилди ва нафақат марказий шаҳарлар-да, балки олис туманларда ихтисослаштирил-ган марказлар филиаллари очилиб, гоят му-раккаб жаррохлик амалиётларини ўтказишга имкон яратилди.

Сапарбай КАИПОВ, Чимбой тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими жарроҳи, “Дўстлик” ордени соҳибини:

— Касб байрамимиз арафасида тарқалган хушхабар бутун жамоамизни қувонтирди. Президентиимиз фармони асосида “Дўстлик” орде-ни билан мукофотланганим байрамга қўшалок туҳфа бўлди.

Албатта, шифокорлик, жумладан, олис ту-ман худудларида жаррохлик қилишнинг ҳам ўзига яраша машаққати ва масъулияти бор. Лекин далда бўлса, киши олдинга интилишдан чарчамайди. Давлатимиз раҳбарининг ташаб-буси билан кейинги йилларда Оролбўйида тиб-бий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, тиб-биёт муассасаларининг моддий-техника база-сини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қара-тилмоқда. Бу борада Президентимизнинг шу йил 7 июлдаги “Қорақалпоғистон Республика-сида 2022 — 2024 йилларда аҳоли саломатли-

Жасур МУРТАЗОЕВ, Қарши шаҳридаги “Невромед шифо маскани” хусусий клиникаси раҳбари, “Шуҳрат” медали соҳибини:

— Самарқанд тиббиёт институтида ўқиб юрган кезларимда Қарши шаҳрида хусусий клиника очишни ният қилгандим. Ушанда ўртоқларимга бу ҳақда айтсам, “Қўй, ўзингни овора қилиб юрма, ундан кўра битта шифо-хонада врач бўлиб ишлаганинг маъқул”, дейи-шмоқда. Аммо уларнинг гапи юрагимдаги орзуни сўндира олмади. Барибир ниятимга етсаман, деб қатъий ишонардим. Юракда ишонч устувор бўлса, албатта, ният амалга ошар экан. Бунини 2012 йилда Қарши шаҳрида “Доктор-М” хусусий клиникасини очганимиз-да ҳис қилдим. Аммо қувончим узоққа чўзил-мади. Клиника биноси “снос”га тушди ва уни бузиб ташлашди. Устозлар менга “Ҳар қан-дай муваффақиятсизлик замирида бир ҳик-мат бор”, дейишган эди. Шу сўзлар далда бўлди. Ва 2015 йилда “Невромед шифо мас-кани” хусусий клиникасини очишга муваффақ бўлдим. 2020 йилда “Неомед меди-кал-комп-лекс” кўп тармоқли тиббиёт марказига асос солдик.

«Халқ сўзи».

ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК!



Хозирги кунда Фаргона вилоя-тидаги 10 мингдан ортиқ корхона-ташқилотларда касбабо уюшмалари хизмати йўлга қўйилган. Ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектда касбабо уюшмалари дав-лат идоралари билан ёнма-ён туриб, инсон қадрини улғулаш йўлидаги ислохотлар жара-ёнида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти. Айни йўналишда вилоятдаги корхона ва та-шқилотларда ишчи-ҳодимларнинг касбий, меҳ-натга оид, ижтимоий-иқтисодий манфаатла-рини ҳимоя қилиш, ҳўқуқларини таъминлаш ҳамда муносиб меҳнат шариоатлари яратиш-да фаол иштирок этмоқда.

Барчамизга аёнки, мамлакатимизда хо-тин-қизларнинг муаммоларини тизимли ҳал қилиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркор-ликка жалб этиш, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш, ҳаётдан рози бўлиб яша-шларига эришиш йўлида кўплаб эзгу ташаб-буслар ҳаётга татбиқ қилинган. Бу йўна-лишда “аёллар дафтери” тизими муҳим ўрин тутиб, биргина жорий йилнинг ўзида ушбу тизимнинг 3-босқичида вилоятдаги 74 минг 463 нафар хотин-қизнинг муаммоларига ечим топиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қув-ватлашга касбабо уюшмалари фаоллари жон-бозлик кўрсатди.

Аҳоли даромадини юксалтириш, уйда ўти-рган ҳолда даромад топишга эришиш, тур-муш тарзини яхшилаш мақсадида коопера-ция усулида тадбиркорлиқни ривожлантириш бўйича тасдиқланган 60 та лойиҳани амалга ошириш орқали касбабо уюшмалари кўмаги-да 13 мингдан зиёд ҳаюортларимизнинг бан-длиги таъминланди. Эндиликда бу оилалар ўз хонадонида касаначилик орқали даромад топтомоқда.

Соҳа ҳодимлари томонидан ижтимоий ше-риклик асосида кенг қўламли ишлар олиб борилиб, йил бошидан буюн 1 минг 368 на-фар ишчи-хизматчининг бузилган ҳўқуқлари-

ни тиклаш орқали 1 миллиард 634 миллион сўмдан зиёд иш ҳақлари, маънавий ва со-ғлиқга етказилган зарарлар ҳамда унга тенг-лаштирилган тўловлар ундириб берилди.

Касбабо уюшмалари доимий равишда ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини тиклаш йўли-да қайғуради. 2022 йилнинг ўтган даврида касбабо уюшмаси томонидан 8 минг 600 на-фардан зиёд ишчи-хизматчилар республика-миздаги “Чинобод плаза”, “Оқтош”, “Зомин”, “Заркенг”, “Чимён” каби қулай шарт-шароит-ларга эга, замонавий сийхатгоҳларда сало-матлиқларини тиклашларига кўмаклашилди.

Шунингдек, корхона-ташқилотларда меҳ-нат қилаётган касбабо уюшма аъзолари, ишчи-хизматчилар, эҳтиёжманд оилалар вакилла-рининг тарихий шаҳарлар, зиёратгоҳлар ҳамда юртимизнинг диққатга сазовор ман-зиллари бўйлаб мунтазам равишда саёҳат-лар уюштириб келинмоқда. Биргина жорий йилнинг 10 ойи давомида фарғоналик 26 минг 202 нафар ишчи-ҳодимнинг Тошкент, Самарқанд, Бўхоро, Хоразм, Қўқонга саёҳат-лари уюштирилди.

Бу йил Ўзбекистон касбабо уюшмалари Фе-дерацияси ташаббуси билан Қорақалпоғис-тон Республикасининг Бўзатов туманида яшовчи 300 нафар болажон, 70 нафар ну-роний ҳамда 100 нафар хотин-қизнинг Фарғона вилоятида жойлашган оромгоҳларга саёҳати амалга оширилди. Шу тариқа улар вилоятда-ги сийхатгоҳ ва оромгоҳларда соғлиқларини мустаҳкамлаш имконига эга бўлишлар.

2022 йили ёзги мавсумда вилоятдаги 19 та болалар ёзги оромгоҳида 11 минг 600 нафар ўғил-қизнинг таълини мазмунли ўтказишларига эришилди. Вилоятнинг анқлав худуди — Сўх туманида Ўзбекистон касбабо уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан қарийб 5 гектар майдонда 200 ўринли “Сўх” болалар соғломлаштириш оромгоҳининг очи-лиши йилнинг энг қувонарли воқеаларидан

бири бўлди. Оромгоҳда бу йил 700 нафар сўхлик болажон мароқли дам олди. Қирғизис-тонлик 54 нафар ўқувчининг “Тонг” бола-лар оромгоҳида дам олишгани яқин қўшни-чилик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз Президентининг касбабо уюшмалари ҳодимларига йўллаган байрам табригида илгари сурилган эзгу гоғлар са-мараси сифатида барча корхона ёки таши-лотда касбабо уюшмаси фаолият кўрсатиши, бу борада давлат ва жамоат ташқилотлари билан яқин ҳамкорликда фаолият юритиш йўлида тизимли ишлар олиб бориш режа-лаштирилди. Хусусан, нодавлат-нотижорат ташқилотларида ҳам касбабо уюшмалари ишини янада ривожлантириш, бошланғич ташқилотлар фаолиятини кенгайтириш, ишчи-хизматчиларнинг қонуний манфаатла-рини ҳимоя қилиш бўйича аниқ қорча-тад-бирлар белгиланди.

Ўзбекистон касбабо уюшмалари куни му-носабати билан Фарғона вилоятида ҳам бай-рам муносиб тарзда нишонланди. Унга кўра, юрт равнақи-ривожини йўлида фидокорона меҳ-нат қилган фарғоналик фахрийлар ҳолидан хабар олинди. Муруват ва Саховат уйлари-да турли маънавий-маърифий тадбирлар таш-кил этилди. Касбабо уюшмаси фаоллари рағ-батлантирилди. Ички туризм лойиҳаси дои-расида ишчи-хизматчиларни мамлакатимиз бўйлаб саёҳатлари уюштирилди.

Муктасар айтганда, касбабо уюшмалари “Инсон қадри учун” тамойили ҳамда “Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик” шiori ости-да самарали фаолият кўрсатиб, зиммаси-даги шарафли вазифани юксак масъулият билан бажаришдан асло чарчамайди.

Эркинжон НУРАЛИЕВ, Ўзбекистон касбабо уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти Кенгаши раиси.

ЯНА БИР ЗАМОНАВИЙ САНАТОРИЙ ФОЙДАЛАРИШГА ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон касбабо уюшмалари куни арафасида яна бир сийхатгоҳ — Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида Касбабо уюшмалари Федерацияси томонидан барпо этилган “Севарсой” санаторийи фойдаланишга топширилди.

Қулайлик



У денгиз сатҳидан 1600 метр бан-ландликда, гарбий Тяньшань тоғи ва Қоржонтовнинг пастки қисмида жой-лашган бўлиб, ҳам қишки, ҳам ёзги тоғ-иклимий курорт сифатида барпо этилганлиги билан янада аҳамиятли-дир. У янги турдаги санаторий-курорт маскани сифатида хизмат қилади.

Нафақат мамлакатимизда, балки минтақада мўқобили бўлмаган мазкур маскан ҳудуди 6 гектар майдонга эга бўлиб, унда мароқли ҳордик чиқариш ва саломатлиқни мустаҳкамаш учун барча шароит ва қулайлиқлар яратил-ган. Хусусан, кенг баргли ўрмонзор-

ташқил этишга мўлжалланган замо-навий конференц-зал мавжуд.

Қолаверса, ушбу санаторий-курорт асаб, аллергия, юрак-қон томир ише-мияси касаллиқлари бўлган инсонлар учун ҳам мўлжалланган. Бу ерда бир вақтинг ўзида 200 нафар дам олу-вчига махсус тайёргарликдан ўтган юқори мақолали мутахассислар хиз-мат кўрсатади.

Санаторий саломатлиқни тиклаш ва турли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилувчи энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар, замонавий меъбел жижжалари билан таъминланди. Ташхислаш-даволаш хо-налари ташқил этилган бўлиб, физио-терапия, жисмоний тарбия, иссиқлик ва сув билан даволаш муолажалари, фитотерапия, лазеротерапия, психоте-рапия, диетотерапия усулларидан кенг фойдаланилади.

Шунингдек, санаторий тоғли ҳудуд-да жойлашгани боси, фитобарда дам олувчилар учун сийхобаш тоғ гўёла-ридан турли дилламалар тайёрланади. Дам олувчиларнинг бунд вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари, кон-церт дастурлари ташқил этилади.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, “Се-варсой” санаторийи қурилиб, фойдала-нишга топширилиши натижасида Чимён қишлоғида истиқомат қилувчи хотин-қиз-лар ва ёшлар иш билан таъминланди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Юнус БҮРИЕВ олган сурат.

Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги

«УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ»



Президентимизнинг шу йил 10 февралдаги “Оташнинг шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори Ватан учун ашаган, унинг эрқу озодлиги, фаровонлиги йўлида жонини тиккан инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмаслигининг яна бир яққол ифодаси бўлди.

Мазкур қарор асосида мамлакатимизда шоир таваллудининг 110 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ижодкор таваллуд тоғлан Наманганда Усмон Носир номи билан аталадиган ва унинг салобатли ҳайкали ўрнатилган сўлим хиёбон ташкил этилди. Шоир ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича адабий тадбирлар ўтказилмоқда.

13 ноябрь — Усмон Носир туғилган санда Наманган шаҳрида шоир таваллудининг 110 йиллиги тантаналари бошланди. Пойтахтдан келган меҳмонлар, вилоят адабий маркази аҳоли вакиллари эрта тонгда гуллар шаҳрининг кўркем жойларидан бирида ўрин олган Усмон Носир хиёбонига тўпланди.

Бу маскан қисқа вақт ичида барпо этилган бўлиб, адабиёт ихлосмандлари, бутун шаҳар ахлини қорлаб турувчи файзиёб ғўшага айланди. Иқтидорли ҳайкалтарош Қодир Намозов томонидан яратилган ёш Усмоннинг сиймоси атрофга жушқинлик ва қатъият билан боқади. Ўдгорликнинг очилиши катта тантаналарга айланди. Унда сўз олганлар шоир хотирасини абадийлаштириш, унинг асарлари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Таъкидланганидек, шох Машрабга бешик бўлган Наманган дунёга яна бир оловқалб шоир Усмон Носирни ҳам берди. Ҳаётга қаққодай келиб кетган бу инсон қисқа умри давомида ўзига шеърини

ятдан мангу ҳайкал қўйди. Унинг Ватан озодлиги, халқига муҳаббат билан йўғрилган асарлари, ўзга тиллардан моҳирона ўтирилган таржималари миллий адабиётимиз хазинасида гавҳар мисол ҳали-ҳаном ёлқинланиб турибди. Шоирнинг ўзига эса шум қисмат насиб этди. Уни йигирма беш ёшида ўз домига тортган шавқатсиз қатагон машинаси эрк кўйисининг орзу-умидларига нукта қўйди.

— Усмон Носир жисмонан маҳв этилган бўлса-да, унинг ижоди, ўлмас асарлари халқ дилидан ўчгани йўқ, — дейди фахрий журналист Комилжон Файзиев. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан беш йил аввал маърифатпарвар шоиримиз Исроҳон Ибрагим хотираси абадийлаштирилган эди. Энди Наманганда миллий уйғониш адабиёти ривожига муносиб хисса қўшган яна бир инсоннинг пок номи тикланди. Бу халқимиз дилидаги иш бўлди. Хиёбонда савлат тўққан шоир сиймоси эса ўзига қўрсатилган эҳтиромдан розилик қайфиятида замондошларимизга боқиб турибди.

Давлатимиз раҳбари қарори ижроси доирасида Усмон Носир туғилган сойиб Алиёв домла маҳалласида ҳам катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бу ерда шоирнинг уй-музейи ташкил этилиб, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўйловчи тарихий экспонатлар билан тўлдирилди. Бинодан икки мингга яқин китоб фондига эга кутубхона ҳам ўрин олди. Уй-музей ва кутубхонанинг очилишида замонавий ўзбек адабиёти риво-

жида Усмон Носир ижодий меросининг ўрни ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Адабиёт ва санъат байрами тадбирлари тушдан сўнг вилоят мусикали драма театрида давом этди. Ижодий жамоа Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо асари асосида режиссёр А. Холмўминов томонидан саҳналаштирилган “Усмон Носир” драмасини илк бор томошабинларга тақдим этди.

Усмон Носир таваллудининг 110 йиллик юбилейи санаси муносабати билан ноябрь ойида қатор маданий маърифий ва адабий тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Тадбир доирасида Наманган давлат университетига Қозоғистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Туркия давлатларидан келган адабиётшунос олимлар иштирокида “Замонавий ўзбек адабиёти ривожига Усмон Носир ижодий меросининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ташкил этилди. Унда шоир ижодининг ноёб жиҳатлари қардош давлатларда ҳам чуқур ўрганилаётгани, тадқиқот натижалари, таржималар ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, Наманган муҳандислик-технология институтига Усмон Носир хиёбони барпо этилиб, шоир бюсти ўрнатилди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдураззоқов иштирок этди. Оташнинг шоир бир шеърини да ишонч билан “Унутмас мени боғим”, дея ёзганди. Бугун қўрсатилаётган эътибор ва эъзоз чиндан ҳам унинг ижоди ва хотираси унутилмас эканлигини намойён этиб турибди.

Усмон Носир таваллудининг 110 йиллик тантаналари мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон ва Россия ўртасида стратегик шериклик муносабатлари барча соҳада изчил ривожланмоқда. Биргина 2021 йилнинг ўзида турли даражадаги 100 га яқин икки томонлама ташрифлар амалга оширилгани ҳам ўзaro алоқалар кўламини кўрсатиб турибди. Бу жараёнда икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида ўзарo академик алмашинув йўлига қўйилиб, профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириши, талабаларнинг турли грант лойиҳаларда қатнашиши мунтазамлик касб этaётгани эътиборга молиқдир.

Академик алмашинув

Масалан, ўтган йилда Россиянинг 4 та нуфузли олий таълим муассасаси филиалининг очилиши икки давлатнинг мазкур соҳадаги самарали ҳамкорлигининг ёрқин намунаси, дейиш мумкин. Таълим соҳасида Россия университетлари мамлакатимизга жалб этилмоқда. Ёшларнинг қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашишига алоҳида эътибор қаратилаётди. Ўзбек ёшлари учун онлайн олимпиадалар ва Россия олий билим юртиларига кириш имтиҳонлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Таълимдаги ҳамкорлик ривожига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда “Россотрудничество” агентлиги ўртасидаги изчил муносабатлар эътиборга молиқ. Унинг самараси ўларoқ икки давлат олий таълим тизими ҳамкорлигининг янги истиқболлари белгиланди. Жумладан, шу йил 22 — 24 сентябрь кунлари Тошкент давлат иқтисодиёт университетида “Россия таълими. Тошкент — 2022” мавзусидаги кўргазма-ярмарка юқори савияда ўтказилгани айни ҳамжихатликнинг амалий ифодасидир. Бу лойиҳа “Россотрудничество”нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ташкил этилди. Кўргазмада Россиянинг 56 та олий ўқув юрти қатнашди. “Россотрудничество” агентлиги мутасаддиларининг маълум қилишича, мамлакат олий таълим муассасаларида 2023/2024 ўқув йили учун ўзбекистонлик абитуриентларга федерал бюджет ҳисобидан ўқш қўраси 800 ўринга оширилган. Жорий ўқув йили учун бу қўраси 750 ўринни ташкил этганди.

Ўзбекистон ва Россия олий таълим тизимининг ҳамкорлик механизми чуқур, тадрижий, изчиллик тамойилларига таянади. Уни ривожлантиришга доир муносабатларда Ўзбекистон — Россия таълим форуми ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу платформа кун тартибидан давлатларимиз ўртасида таълимнинг барча босқичи, жумладан, мактабгача таълимдан то илмий ҳамкорликкача бўлган масалалар ўрин олган. 2018 йил 18 октябр кўни Тошкент шаҳрида биринчи Ўзбекистон — Россия таълим форуми бўлиб ўтди. Иккинчи форум Президентимизнинг 2021 йил 16-17 ноябрь кунлари Россия Федерациясида давлат ташрифи арафасида Москва шаҳрида ўтказилди.

Россия ва Ўзбекистон университетлари ректорларининг ҳудудлараро конференцияси ҳам икки давлат олий таълим тизимининг муҳим платформалардан биридир. Ушбу ҳамкорлик доирасида университетлар ўртасидаги ўзарo мулоқот муҳокама қилинади. Ҳозиргача Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртилари ректорларининг минтақалараро учта конференцияси бўлиб ўтди.



Масалан, Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртилари ректорларининг ҳудудлараро учинчи конференциясида икки давлат олий таълим соҳаси мутасаддилари билан бирга ректор ва проректорлар ҳам иштирок этди. Анжуманда 23 та университетлараро ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Умуман олганда, Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртилари ўртасида шериклик бўйича 800 га яқин

нинг Ўзбекистонга келувчи комиссиялари орқали мамлакатимиздан ҳар йили 1000 — 1500 нафарга яқин абитуриентлар ушбу давлатдаги олий ўқув юртиларига ўқшга қиради. Умуман, ҳар йили Россиянинг 50 та университети малака ошириш, таълим кўргазмаларини ўтказиш ва потенциал абитуриентлар билан учрашиш учун имконият яратаяди.

Мамлакатимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар йили юртимиз иқтисодиёти учун талаб юқори бўлган мутахассисликлар рўйхатини тўзати ва Россия Федерацияси Таълим ва фан вазирлигига тавсия сифатида тақдим этади. Икки давлатнинг олий таълимдаги ҳамкорлигида қўшма таълим дастурлари муҳим ўрин эгаллайди. 2021/2022 ўқув йилида Россия Федерацияси олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурларида Ўзбекистондан абитуриентларни қабул қилиш бўйича умумий квота 4530 тани ташкил этди. Жумладан, бакалаврият йўналишлари бўйича 3937, магистратура мутахассисликлари бўйича 593 ўрин ажратилган. Ўтган ўқув йилидан Россия университетлари билан таълимнинг кўплаб йўналишлари бўйича қўшма дастурлар тузилган. Булар — тиббиёт, жумладан, дорихона, стоматология, педиатрия, муҳандислик-техник мутахассисликлар, иқтисодиёт ва молия.

Икки давлат олий таълим тизимидаги янги режалар, истиқболдаги чора-

бозори талабларига мос бўлган янги мутахассисликлар, йўналишлар ташкил қилинган, олий таълимда кўндузги бўлим билан бирга, сиртки ва кечки бўлимлар очилгани, таълимда сифат жиҳатидан тўб ижобий ўзгаришлар сари қадам қўйилаётгани, барча бўйида ўқитиш жараёни тарбия билан бево-сита боғлиқ ҳолда олиб борилаётгани мамлакатимиз олий таълим тизимининг янада жозибадорлигини таъминламоқда. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг 34 та олийғоҳида Россиянинг 48 та олий ўқув юрти билан қўшма ўқув дастурлари (“икки томонлама дипломлар” дастури) доирасида ёшларга таълим берилмоқда.

Умуман, 2018 йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Ўзбекистон — Россия таълим форуми икки давлат таълим соҳасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш ва янги босқичга олиб чиқишда, тажриба алмашиш, мактабгача ва мактаб таълими тизими учун педагоглар етиштириш, илмий ва инновацион соҳани ривожлантириш истиқболларига қаратилмоқда. Улар ўртасида тузилган битимлар, асосан, Россияда ривожланган технологик ишлаб чиқариш соҳаларининг тажрибасини Ўзбекистон олий таълим муассасаларига татбиқ этиш билан боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга.

Бухоро муҳандислик-технология институтининг Россия олийғоҳлари билан ўзарo ҳамкорлик доирасида қилаётган ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш

жойиз. Биргина мазкур институтда Россиянинг 24 та олий таълим муассасаси билан академик алоқалар мавжуд.

Шунингдек, мазкур ўзарo ҳамкорлик доирасида профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинувига алоҳида эътибор қаратилиб, айни давлат институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари Москва, Санкт-Петербург, Томск, Қозон, Белгород, Владимир шаҳрларида малака ошириш қўрсалари ҳамда қўшма таълим дастурлари асосида тажриба алмашиб, билим ва қўнимларини оширмоқда. Олийғоҳнинг 56 нафар талабаси қўшма таълим дастури асосида “СТАНКИН” — Москва давлат технология университетида давлат гранти асосида ўқимокда.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган III Ўзбекистон — Россия халқаро таълим форумида Санкт-Петербург давлат университети, Владимир давлат университети, Қалмик давлат университети билан ўзарo ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Ҳозирги кунда Н. А. Косигин номидаги Россия давлат университети билан ҳамкорликда тўқимачилик технологияси ва дизайн йўналишларида институт ҳузурда университетнинг филиалини очиш борасида келишувлар олиб боришмоқда.

Ҳушёрлик билан назорат қилиш зарур. Ўзбекистон ва Россия олий таълим тизимидаги ҳамкорликнинг янги босқичига эришилди.

Бугунги кунда олий таълимнинг барча учун баробарлиги, очилиқлиги, унга ёшлар қаровини тобора кенгайтириш, ўқув масканлари базасини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимига қабул жараёнининг холислиги, шафдофлигини таъминлаш, жаҳоннинг энг нуфузли университетларининг филиалларини юртимизда очиш йўлида кўплаб саъй-ҳаракатлар сафарбар этилмоқда. Меҳнат

Муктасар айтганда, олий таълим соҳасида Россия Федерацияси билан шериклик мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида етук мутахассислар тайёрлаш, соҳани замон андозаларига мос ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Нусратилло БАРАКАЕВ,
Бухоро муҳандислик-технология институти ректори,
техника фанлари доктори, профессор.

КИТОБ — ҲАЁТНИ ЎРГАТУВЧИ МУРАББИЙ

ёки Дилором опанинг маҳалладаги кутубхонаси

“Китобни оловда ёқишдан ҳам ёмонроқ жиноят бор. Мисол учун уни ўқимаслик...”

Бу — америкалик фантаст ёзувчи Рэй Брэдбернинг гапи. Бу ҳақда мен пойтахтимиздаги Янги Себзор маҳалласи кутубхонасига борганимда Дилором опа Ҳамдамовдан эшитдим. Эшитдим кутубхоначи опанинг ўзи зукко китобхон эканидан қувониб кетдим. Чунки юқорида келтирилган машҳур ибора Рэй Брэдбернинг “Фаренгейт бўйича 451 даража” номли асаридан олинган.

Маънавиятимиз фидойилари

...Дилором Ҳамдамова нақ 42 йил Ўзбекистон телерадиокомпаниясида ишлаб, кўплаб кўрсатувларни олиб борди. Айниқса, унинг муаллифлигидаги “Оналар мактаби” кўрсатувии эл орасида машҳур бўлиб кетган эди. Тиниб-тинчимас бу аёлда нафақага чиққач, ўзи истикомат қилаётган Тошкент шаҳридаги Янги Себзор маҳалласида — “дом”лар орасида кутубхона очиш нияти туғилди. Ахир қанчадан-қанча оналар, кексалар, ёш-яланг шундоқ ҳам “дом”лари ёнида бекорчиликдан вақтини беҳуда ўтказаяди. Агар кутубхона очсам, улар бадий адабиёт билан шон топунишади, фарзандлари ҳам улардан ўрнак олишади, деб фикр юритди. У адашмаган эди, аммо...

— Эй, Дилором опа-ей, ҳозир ким ҳам китоб ўқийди, дейсиз, аёлларнинг рўздордан қўли бўшамайди, ёшлар эса куну тун телефонга термилгани термилган, — дея уни шаштидан қайтармоқчи бўлди бир

қўшни аёл. — Ундан кўра савдо дўкони очсангиз, жарақ-жарақ пул санайсиз...

Дилором опа ўша аёлга нимадир де-моқчи бўлиб оғиз жуфтладию, ўзини тийди, гапирган билан фойдаси йўқ — икки киши ўртасида жанжал чиқса, бунда ақл-лоқий айбдор, деган ҳикматга амал қилди. Боз устига, опа пули кўп одамдан кўра, китоб ўқиган, савияли одамларни минг чандон бой деб ҳисоблаб ўрганган. Зеро, бу йўналишдаги юмушлар бугуннинг эмас, келажакнинг қиёфасини белгилайди.

Қувонарлиси, опанинг ташаббусини маҳалла мутасаддилари қўллаб-қувватлашди ва Олмасов турмани ҳокимлиги кўмаги билан кутубхона қад ростлади. Маҳалла мутасаддиларининг саъй-ҳаракатлари билан китоб жавонлари, китоблар олиб келинди, қолган ҳам-қўстлар тўлдирилди. Дилором опа ҳам уйдаги деярли ҳамма китобларини кутубхонага ҳада қилди. Ҳозир маҳалла кутубхона фонди 2 мингга ба-



дий адабиёт билан бойитилган. Бу китобларнинг кўпи Дилором опанинг шахсий улушидир.

— Шу китобларнинг ҳаммасини ўқиб чиқ-қанмисиз, — сўрайман Д. Ҳамдамовдан.

— Ҳаммасини бўлмасаям, кўп қисмини мутлола қилганман, — дейди опа. — Болаларда ёшлигидан китобга меҳр уйғотиш-шимиз керак. Китобхонлик менга онам Аниса аядан ўтган. Онам тўрт фарзанди-ни улғайтирганида бир қўли бешиқда, иккинчиси эса китобда бўлган. Илгари шах-римиздаги Чингаёт дарвоза худудига ку-тубхона бўларди. Онамнинг шу кутубхо-надан оёғи узилмасди. Она китобхон бўлса, фарзандларга ҳам ўтар экан. Онам врач бўлса-да, бадий адабиётни жон-дили

билан яхши кўрарди. У кишидан ўтган китобхонлик тўрт фарзанди ҳам бадий ада-биётга ошно қилди. Шунинг учун ҳам маҳаллада кутубхона очар эканмиз, оналар китоб ўқиса, албатта, фарзандлар ҳам ўқийди, деган фикрда собит турдик.

Мўъжизгина маҳалла кутубхонаси. Ши-нам жавонларда савлат тўкиб турган жа-хон ва ўзбек адабиётининг энг сара асар-лари бугун Янги Себзор маҳалласи ахли-нинг маънавий мулкига айланган. Дилором опа эса кексайганида ишли бўлганига ёки бир эрмак топилгани учун эмас, маҳалладошлари маънавияти юкса-лаётганига, оналар, болалар китоб ўқиёт-гани учун қувонади. “Китоб ўқиб бу, бўш вақтни ‘ўлдириш’ ё кўнглингушлик эмас, у жамиятнинг умумий савиясини кўтараяд-ган, тараққиётга, ривожланишга хизмат қиладиган муҳим омил”, деб тақорлаш-дан чарчамайди.

Маҳалла раиси ва фаоллари ҳам бўш вақт топди дегунча, кутубхонага шошади. Боиси, бу ерда ҳар кун бир тадбир уюштирилади. Бир кун тиббиёт ҳодимла-ри келса, эртаси кун мактаб, кейин бо-ча болалари, ундан кейин нурунийлар... Хуллас, Дилором опанинг тадбирлар тақ-вими жуда тигиз, бўш кун йўқ ҳисоби.

Кутубхоначи опанинг ҳар сўзи ўғит, ҳар бир сўзи маънолар хазинаси. Ўзим ҳам сўхбат асосида кўп нарсани ўрган-ганимни ҳис қилдим. Яна ишонасизми-йўқми, узoқ йиллардан буён қидириб юр-

ганим — Бенжамин Франклин қаламига мансуб “Вақт — бу пул” асарини айнан шу маҳалла кутубхонасидан топдим. Би-нобарин, Франклиннинг “Менга айтинг ва мен унутаман. Менга ўргатинг ва эслай-ман. Мени жалб қилинг, мен буни билиб олам” деган ҳикмати ҳаётимизда бугун ҳам асқатади. Шу маънода айтганда, бу-гун балки китоб ўқувчилар кўлди, аммо китоб ўқишни Дилором опа каби тарғиб қилувчилар кўп ҳам топилавермайди.

Айтмоқчи, Дилором опа кимнингдир қўлида китоб кўрса, у билан тез тил то-пашди. Бирон-бир асар қаҳрамонлари ҳақида бошланган сўхбат янги қанчалар китоблар тавсияси билан ниҳояланган. Айтмоқчи, Дилором опа бир банк бошқа-рувичиси столи устида Жалопиддин Румий асарини кўриб, “Вой, укажон, ўзимиздан экансиз-ку! Румийни ўқиярмизми?” деб қувониб кетди. Ва бир зумда қалдронлар-дай бўлиб қолишди. Чунки Румийнинг “Ичиндаги ичиндадур” асарини ўқиган китобхон инсон ва олам, онг ва борлик, инкор ва исбот, хаёл ва амал, сурат ва сийрат сингари фалсафий тушунчаларнинг асл мухоятини англайди. Ҳамма нарса ўзингизда, ҳамма нарса ўзингиздан экан-лигига яна бир бор иймон келтирасиз. Ахир мавлоно “ё, аслинг каби қўрин, ё, қўринганинг каби бўл” деб бежиз айтма-ган. Китобсевар одамнинг ботинини бир оғиз гапидан англаб олиш қилини эмасли-гини Дилором опа бот-бот тақорлайди.

Ҳамма замонларда — кеча ҳам, таби-ийки, бугун ҳам умрининг қиймати инсон-нинг амалга оширган эзгу ишлари билан мўқояса қилинади, белгиланади. Китоб-хон кутубхоначи Дилором Ҳамдамованинг амалга оширган ишлари, азму ғайратига қараб кўнглидан ана шундай ёруғ туйғу-лар кечади. Зотан, опанинг китобга бўлган меҳри, ўз маҳалласи доирасида китобхон-лик савиясини ошириш борасида қилаёт-ган ишлари маънавиятимиз хирмонини юксалтиришга, ёшлар қамолоти йўлида баҳоли қудрат ҳисса бўлиб қўйилаётгани билан эътиборга молиқдир.

...Яқинда Дилором опа кўнгироқ қилиб қолди. Телефондаги сўхбат анчагина қўзил-ди. Гап орасида у Лев Толстойнинг “Анна Каренина” асарини ўқиётганини айтди. — Бу асарни ёшлигимдан ўқиган эдим, — дейди Дилором опа. — Аммо ёшлиқда ўқиган билан улғайганда ўқиганингда кат-та фарқ бор экан. Бугун бу асарни худди қайта кашф қилгандай бўляпман...

Даровек, менга ҳар кун узoқ-яқиндан қўллаб қўнгироқлар бўлади. Аммо улар орасида битта қўнгироқ мен учун ниҳоят-да қадрли ва қадрдон онахоннинг сўзла-рини жон қулғим билан тинглайман: “...бу асар, аввало, инсон ҳақида — сиз ҳақин-гизда, мен ҳақимда, умуман, ҳаммамиз ҳақимизда. Бизнинг ўзлигимизни билиши-миз ҳақида”.

Рост, бир донишманд “Китоб — энг катта кинотеатр. Инсон ўша театрда ўзини кўради”, деган эди. Аслида ҳам, китоб ин-сонни ҳаётинг ҳар қандай синовларни донолик билан енгитишда ёрдам беради. Китоб билан дўстлашган инсоннинг эса фикри теран, иродаси мустаҳкам бўлади.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 13 670 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёғмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.10 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6